

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКНАЗАРОВ ХУДОЙБЕРДИ ДИЛМУРОДОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИ

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎК: №: 329.78:316.728 (575.1) (043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Хакназаров Худойберди Дилмуродович

Ўзбекистон ёшларининг кундалик турмуш тарзи3

Хакназаров Худойберди Дилмуродович

Повседневная жизнь молодёжи Узбекистана25

Khaknazarov Khudoyberdi Dilmurodovich

Daily life of the youth of Uzbekistan47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКНАЗАРОВ ХУДОЙБЕРДИ ДИЛМУРОДОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИ

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/ Tar375. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аширов Адҳамжон Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Улуғбек Сайданович
тарих фанлари доктори

Маматов Нормурат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06.01.2018. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А. С. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М. Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

А. Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихининг ҳозирги босқичи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёни жадаллашганлиги билан характерланади. Айниқса, кейинги йилларда давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, замонавий ахборот технологияларининг тарқалиши жамиятнинг асосий қатлами бўлган ёшлар турмуш тарзини этносоциологик материаллар асосида тадқиқ қилишни илмий заруриятга айлантормоқда.

Дунё миқёсида ёшларнинг жамият барқарорлигини ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ўрни, кундалик ҳаёти ва маданияти, социализация, таълим, бандлик, миграция, гендер масалалари билан бирга уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки, ўз халқи миллий кадриятларини ўзлаштириши ва бошқа халқлар маданиятига муносабати ҳамда авлодлар ўртасидаги коммуникация муаммолари бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Замонавий этноинтеграцион жараёнлар кечаётган ҳозирги даврда ёшлар муаммолари, виртуал макондаги субмаданият асосида миллий, минтақавий, умуминсоний, диний ва экологик кадриятлар тизимидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш борасида муҳим шарт-шароитлар яратилди. «Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи, бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади»¹. Ҳозирда жамиятни ҳаракатлантирувчи «локомотив»га айланган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятларга дахлдорлик руҳида тарбиялаш, бандлик, бўш вақтдан самарали фойдаланиш, уларнинг кундалик ҳаётидаги муаммоларни ўрганиш тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли “Yoshlar kelajagimiz” давлат дастури тўғрисида”, 2018 йил 25 сентябрдаги ПФ-5545-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонлари ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодийнинг шаклланиши” йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуни ўрганишда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа, педагогика, иқтисодий, социология, тарих ва бошқа фан соҳалари вакилларининг ёшларга оид кенг қамровли тадқиқотлари таҳлил қилинди². Тадқиқотга доир адабиётларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганилди:

ёшлар муаммосига оид совет давридаги илмий тадқиқотлар;
мустақиллик даврида ёшлар ҳаёти ва фаолиятига оид бажарилган ишлар;
хорижий тадқиқотларда Ўзбекистон ёшлари ҳаётига доир материаллар таҳлили.

Ҳозирга қадар соҳа юзасидан маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан самарали изланишлар олиб борилганига қарамай, тадқиқотларда ёшларнинг кундалик турмуш маданияти, машғулотларидаги анъанавийлик ва замонавийлик, уларни бўш вақт, уни ўтказишга муносабати, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар тизимида ёшларнинг ўрни, модернизациялашув жараёнларининг ёшлар ҳаётига таъсири каби масалалар этносоциологик материаллар асосида комплекс равишда тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ А-1-055 “Ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини этносоциологик тадқиқот асосида ўрганиш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш” номли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ёшларининг кундалик ҳаёти, маданияти, маънавий-ахлоқий қадриятларининг замонавий ахборот технологиялар ва глобаллашув жараёнлари таъсирида ўзгариши механизмларини этносоциологик материаллар асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшлар турмуш тарзи маданиятининг асосий мазмуни ва моделларини таҳлил қилиш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати – уларнинг турмуш тарзи мазмунини такомиллаштириш омили эканлигини кўрсатиб бериш;

замонавий ёшларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ маданиятининг институтлашув жараёнини аниқлаштириш ва ёшлар кундалик ҳаётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашувини тадқиқ этиш;

² Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили ишнинг I бобида батафсил ёритилади.

глобаллашув шароитида ёшлар ҳаётидаги трансформацион жараёнларни тадқиқ этиш ва ёшларнинг замонавий маданиятини жамиятда кечаётган модернизацион жараёнларга мослашувини этносоциологик материаллар асосида аниқлаштириш;

ёшларнинг бўш вақтдан фойдаланиш маданиятидаги ўзгаришларга доир муаммоларни аниқлаш ва истиқболли таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ёшларининг кундалик ҳаёти ва ундаги ўзгаришларни этносоциологик материаллар асосида аниқлаштириш белгиланган.

Тадқиқот предметини Ўзбекистон ёшлари ҳаёти билан боғлиқ маданият, уларнинг ўзгариш тенденциялари ва замонавий ёшларнинг инновацион жараёнларга ижтимоий мослашувини этносоциологик материаллар асосида ўрганиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот тарихийлик ва мантиқийлик, комплекс ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил, объективлик каби методларга асосланган. Диссертацияда, шунингдек, фанлараро ёндашув, тавсифлаш ва қиёслаш ҳамда этносоциологик сўров методлари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобаллашув жараёнида ёшлар маданияти (жамият ва оила муносабати, ўзликни англаш, миллий қадриятлар, маънавий-ахлоқий меъёрлар)да замонавий ва миллий қадриятларнинг уйғунлашуви этнопедагогик тарбия воситасида амалга ошиши назарий жиҳатдан асосланган;

трансформацион жараёнлар (инновацион таълим, ахборот алмашиш, урбанизациялашув)да ёшларнинг кундалик фаолияти, анъанавий машғулотлари ва қизиқишлари, оилавий муносабатларнинг субъекти сифатидаги вазифалари ҳамда жамиятга ижтимоий мослашуви тизимли тарзда кўрсатиб берилган;

ёшларнинг стратегик мақсадлари асосида бўш вақтдан фойдаланиш маданияти (қизиқарли машғулотлар, китобхонлик, маданий ҳордиқ, ижтимоий тармоқда фаоллик)даги ўзгаришлар динамикаси Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятлари кесимида очиб берилган;

замонавий ахборот технологиялари таъсирида ёшларга хос янги маданият (этикет, кийиниш, ахборот олиш)нинг шаклланиши, виртуал макондаги ёшлар субмаданияти асосида миллий, умуминсоний, диний ва экологик қадриятлар тизими ҳамда ҳаётий идеаллари трансформацияси этносоциологик материаллар асосида кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ёшлар кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ муаммолар этносоциологик тадқиқотлар асосида ёритилди ҳамда тегишли маълумотлар илмий муомалага киритилган;

ёшларнинг кундалик турмуш тарзида миллий ва умуминсоний қадриятлар аҳамияти ўрганилиб, оилавий муносабатларда уларнинг ўрни ва ролига нисбат берилган;

бўш вақт ва унга ёшларнинг муносабати масаласи очиб берилди ва бу борадаги муаммолар аниқланиб, ҳудудлар кесимида давлат органларига таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тарих ва этнология фанларида тан олинган тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, илмий адабиётлар ва даврий нашрларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, архив маълумотларидан фойдаланилганлиги (Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳамда соҳага оид давлат ва нодавлат ташкилотларнинг жорий архивлари материалларидан фойдаланилган), шунингдек, этносоциологик материаллар (Анкета-сўровномалар 2009–2018 йилларда Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилоятининг 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган жами 421 нафар ёш респондентлар иштирокида ўтказилган)³ манбавий асос бўлиши билан бирга, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий натижалардан Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини самарали ташкил қилишда, ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ёшлар билан ишлаш ва уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш юзасидан ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратиш ва соҳага доир таълим муассасаларида семинар ташкил этишда фойдаланишга хизмат қилади;

ёшлар кундалик ҳаётини чуқур илмий асосда ўрганишда айрим ёшлар ҳаётига таъсир этувчи салбий мафкуравий ва инфорацион хуружларга қарши ахборот иммунитетини шакллантиришда асос бўлади;

Республика ёшлари орасида бандлик муаммолари, уларнинг ҳудудлар кесимидаги ҳолати, ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турмуш маданиятини юксалтириш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларни белгилаб олишга ёрдам беради;

ёшларнинг миллий ўзликни англаши, уларнинг бўш вақтдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришдаги ўзгаришлар механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ёшларининг кундалик маданиятига оид илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар асосида:

замонавий ахборот технологиялари таъсирида ёшларга хос янги маданиятларнинг шаклланиши, виртуал макондаги ёшлар субмаданияти асосида миллий, умуминсоний, диний ва экологик кадриятлар тизими ҳамда

³ Диссертация доирасида ўтказилган тадқиқотда қатнашган ёшларнинг 29,5 % ини – талабалар, 24,5 % ини – меҳнат жамоаларида хизмат қилаётганлар, 22,3 % ини – ишсиз ёшлар, 10,5 % ини – яқка тартибдаги ёш тадбиркорлар, 7,7 % ини – уй бекалари, 4,1 % ини – абитуриентлар, 0,9 % ини – хусусий корхонада ишлаётган йигит-қизлар, 0,5 % ини – бола тарбияси билан банд бўлган аёллар ташкил этади. Респондентларнинг 56,4 % ини – шаҳар, 43,6 % ини – қишлоқ ёшлари, 49,5 % ини – эркаклар, 50,5 % ини – аёллар ташкил этади. Ёш бўйича тақсимланганда 18–22 ёшли йигит-қизлар – 42,7 % ни, 23–26 ёшлилар – 34,1 % ни ва 27–30 ёшлилар – 23,2 % ни ташкил этади. Иштирокчиларнинг 5,5 % – тўлиқ ўрта, 85,5 % – ўрта махсус ва 9,1 % – олий маълумотга эга.

ҳаётий идеаллари трансформациясининг этносоциологик таҳлилига доир материаллардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йилги Йўл харитасида кўзда тутилган “Ёшларнинг ҳудудий муаммолари ва ечимлари” бандини ижро этишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2019 йил 12 мартдаги 04-13/1174-сон маълумотномаси). Мазкур натижалар ёшлар кундалик ҳаётини чуқур илмий асосда ўрганиш орқали айрим ёшлар ҳаётига таъсир этувчи салбий мафкуравий ва инфорацион хуружларга қарши ахборот иммунитетини шакллантиришга хизмат қилган;

ёшларнинг кундалик фаолияти, анъанавий машғулоти ва қизиқишлари, оилавий муносабатларнинг субъекти сифатидаги вазифалари ҳамда трансформацион жараёнларда жамиятга ижтимоий мослашувига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган А-1-055 рақамли “Ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини этносоциологик тадқиқот асосида ўрганиш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2019 йил 13 февралдаги 05-327-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижаларнинг жорий этилиши Ўзбекистон ёшларининг жамиятга ижтимоий мослашуви, уларнинг таълим-тарбиясидаги ўзгаришларни ёритишда асос бўлган;

глобаллашув жараёнида ёшларнинг миллий урф-одат ва анъаналарга ижобий муносабати, турмуш маданиятидаги замонавий ўзгаришлар ва миллий қадриятларнинг уйғунлашувига оид материаллардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг И-2016-1-33 рақамли “Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш” мавзусидаги тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 15 февралдаги 02/09-171-19-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий натижалари Республика ёшлари орасида бандлик муаммолари, уларнинг ҳудудлар кесимидаги ҳолати, ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турмуш маданиятини юксалтириш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб олишга ёрдам берган;

ёшларнинг бўш вақтдан фойдаланиш маданиятининг ҳудудий, ёш ва гендер хусусиятлари, кундалик ҳаётда вақт меъёрлари ва ундан фойдаланиш самарадорлигига доир этносоциологик материаллар ва уларнинг таҳлилий натижаларидан “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, маънавият, маданият” номли амалий тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” жамоатчилик марказининг 2018 йил 2 майдаги 01-16/160-сон маълумотномаси). Татбиқ этилган натижалар Ўзбекистон ёшларининг миллий ўзликни англаши, уларнинг бўш вақтдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришдаги ўзгаришлар механизмини ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари республика миқёсида ўтказилган 24 та илмий-амалий конференция ва 5 та

халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилиш жараёнида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш нашр этилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (9 та республика ва 1 та хорижий журналларда) мақола, 31 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилиши даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, апробацияси ва тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиниши, эълон қилинган нашрлар ва иш таркиби тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Ёшлар ҳаётини ўрганишнинг назарий-методологик асослари ва тарихшунослиги”** деб номланган биринчи боби Ўзбекистон ёшлари маданиятининг назарий асослари ва мавзунинг тарихшунослигига бағишланган.

Биринчи бобнинг *“Этносоциологияда «ёшлар турмуш тарзи»нинг илмий таҳлили*” деб номланган биринчи параграфида ёшлар ижтимоий демографик гуруҳининг давр ва чегараларига доир классификациялар, ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаларининг структурасига оид қарашлар илмий-методологик назариялар асосида тадқиқ қилинган.

Этнологик тадқиқотлардан маълумки, турмуш тарзи кундалик ҳаёт кечириш йўли бўлиб, шахс дунёқарашини акс эттиради. Адабиётларда “турмуш тарзи кишиларнинг индивидуал ва ҳаётий фаолияти кўринишларидандир”⁴ деб таърифланса, бошқа тадқиқотларда “турмуш тарзи” тушунчасига, одамларнинг тасодифий, юзаки ҳаёт фаолияти эмас, балки ҳақиқий ва қонуний жиҳатларини киритиш зарур. Бу жиҳатлар – халқ, синф, ижтимоий гуруҳ, маҳалла турмуш тарзининг маълум бир тарихий босқичдаги умумий кўринишини акс эттиради”⁵, деб таъкидланган. Этнограф олим И. Жабборов турмуш тарзи субъектининг ютуқларга эришиши ва эҳтиёжларини қондириш даражаси билан белгиланадиган ҳаётий фаолиятнинг конкрет-тарихий жараёни сифатида изоҳлайди⁶.

⁴ Толстых В. И. Образ жизни. Понятие. Реальность. Проблемы. – Москва: Мысль, 1975. – С. 4–6.

⁵ Руткевич М. Н. Общественные потребности, система образования, молодежь. – Москва: Политиздат, 1988. – С.42–43

⁶ Жабборов И. М. Турмуш тарзи, урф-одатлар ва одоб. – Тошкент: Ўзбекистон. 1983. – Б. 4–27.

Жамиятнинг фаол ижтимоий қатлами сифатида ёшлар турмуш тарзи структурасини – уларнинг кундалик фаолияти, анъанавий машғулоти ва қизиқишлари, оилавий муносабатларнинг субъекти сифатидаги вазибалари, бўш вақтга муносабати ва ундан фойдаланиш маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни, этномаданий жараёнларнинг иштирокчиси сифатида модернизациялашув шароитидаги трансформацияларга, глобаллашув жараёнида жамиятга ижтимоий мослашувига оид муносабатлар тизими ташкил этади.

Ёш категориялари таснифи дунё мамлакатларида турлича бўлиб, жумладан, АҚШда 14–29 ёшли фуқаролар⁷, Германияда 14–27 ёшли ижтимоий қатлам, аксарият Европа мамлакатларида 15–29 ёшлардаги аҳоли, Буюк Британия ва Нидерландияда алоҳида гуруҳга ажратилмасда, 25 ёшгача бўлганлар, Испания, Россияда эса 14–30 ёшгача бўлган демографик гуруҳ аъзолари ёшлар ижтимоий қатламини ташкил этади.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида “ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар” тарзида қайд қилинган⁸.

Ёшларнинг давлат масалаларини ҳал этишдаги иштироки, жамиятни барқарорлигининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ўрни, бандлиги масаласи, турли салбий ҳолатларнинг уларга таъсир даражаси ва бошқа хусусиятлар муҳим тадқиқот манбаига айланиши натижасида Европада ювентология* фани пайдо бўлган.

Ёшлар масаласини тадқиқ этишда этнографик тадқиқотларга асосланган методлар муҳим натижалар беради. Ушбу методнинг дастлабки намояндалари бўлган И. Девятко ва А. Готлиб ёшлар муаммоларига оид методологик тадқиқотларни этнографик нуқтаи назардан тадқиқ қилган⁹. Бу метод орқали ёшларнинг кундалик турмуш тарзи, ўзига хос қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини, уларнинг бу борадаги субъектив қарашларини илмий тилда тушунтириб беришга ёрдам беради. Ёшлар масаласини этнографик метод орқали эркин мулоқот, жорий ва анъанавий йўналишларда ўрганиш турли ёш тоифасидаги ёшлар билан индивидуал тартибда ишлаш, чуқурлаштирилган интервью ёрдамида нисбатан аниқроқ маълумотларга эга бўлиш ва уларни қиёсий таҳлил қилишга ёрдам беради.

Диссертацияда юқорида келтирилган ҳар учта методдан фойдаланилган ҳолда, респондентларни аниқлашнинг тасодиқий усули – “Киш картаси” ёрдамида танлаб олиниб, белгиланган масала юзасидан фикрлари ёзиб олинган ҳолда умумлаштириб таҳлил қилинди. Шунингдек, урф-одат ва

⁷ Вишневский Ю. Р., Шапко В. Т. Социология молодежи. – Екатеринбург: УГТУ-УПИ, 2006. – С. 35–39.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни – Тошкент: Адолат, 2016. – Б. 4.

* Лотинчада «ювентус» – ёшлик, ўсмирлик; ўспиринлик, ёш инсонлар, ва юнончада «logos» – сўз, фикр, ўқиш деган маънони билдиради.

⁹ Девятко И. Ф. Модели объяснения и логика социологического исследования. – Москва: РЦГО-TEMPUS/TASIS, 1996. – 173 с.; Ўша муаллиф: Методы социологического исследования. – Москва: КДУ, 2003. – С. 296; Готлиб А. С. Введение в социологическое исследование: качественный и количественный подходы. – Москва: ФЛИНТА, 2014. – С. 766.

кадриятлар тизимидаги ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш ва трансформацияларни аниқлашда 30 ёшдан катта респондентлар билан суҳбат, сўровнома ва интервьюлар ўтказиш орқали этномаданий жараёнларни ёшлар ҳаётидаги ўзгариши таъсирига оид маълумотлар аниқланди.

Ушбу бобнинг “*Мустақиллик йилларида ёшлар муаммосининг ўрганилиши тарихишунослиги*” деб номланган иккинчи параграфида ёшлар муаммосининг турли йўналишлардаги тадқиқоти таҳлил қилинган.

Мавзунинг тарихий аспектида ўрганилиши хронологик йўналишда тадқиқ этилгани билан характерланади. Жумладан, К. Абдуллаевнинг илмий изланишлари 1920–1924 йилларда Хоразмда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга қарши курашда ёшларнинг иштирокига бағишланган¹⁰ бўлса, А. Аликуловнинг тадқиқотларида комсомол ва ёшларнинг 1946–1950 йиллардаги фаолияти урушдан кейин уларга бўлган эътибор масаласи ўрганилган¹¹. А. Хакимов 1976–1985 йилларда Ўзбекистон саноати ривожини, илмий-техникавий жараёнлар ва меҳнат мусобақаларида ишчи ёшларнинг иштироки, уларнинг маданий савиясини ўрганган¹².

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки С. Сулаймонованинг илмий тадқиқотида ёритилган¹³ бўлса, А. Татибоев XX асрнинг 60–80-йилларида ёшларнинг мамлакат иқтисодий ривожига қўшган ҳиссаси динамикаси¹⁴, Д. Ражабова эса Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар масаласига урғу берган¹⁵. Шунингдек, Р. Толипов ўрта-махсус таълим тизимида ёш авлоднинг таълим-тарбиясига доир муаммолар ва уларнинг ечимига оид масалаларни ўрганган¹⁶. 1991–2008 йилларда соҳада олиб борилган ислохотлар ҳақида О. Топилдиев, талаба ёшлар маънавий кадриятларининг шаклланишига доир Д. Гуламованинг тадқиқотларида илмий мулоҳазалар баён қилинган¹⁷. И. Иноятов, Р. Сиддиқов, Р. Муртазаева, А. Маврулов, И. Саифназаров, Б. Убайдуллаеваларнинг илмий ишлари ёшларда тарихий хотиранинг ривожини, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий омиллар таъсирини

¹⁰ Абдуллаев К. Комсомол и молодежь Хорезма в борьбе за укрепление советской власти в 1920–1924 гг.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1969.

¹¹ Аликулов А. Комсомол и молодежь Узбекистана в борьбе за развитие сельского хозяйства в период четвертой пятилетки (1946–1950): Автореф. дисс... кан. ист. наук. – Самарканд, 1972.

¹² Хакимов А. Р. Рабочая молодежь в развитии промышленности Узбекистана (1976–1985г.): Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1993, – 144 с.

¹³ Сулаймонова С. У. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки. (1971–1980): Тарих фан. ном... дисс. – Ангрен, 1994.

¹⁴ Татибоев А. С. Историография участия молодежи Узбекистана в экономическом развитии республики в 60-е-80-е годы XX века: Дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1996. – 155 с.

¹⁵ Ражабова Д. Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масаласи (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент, 2003.

¹⁶ Толипов Р. Н. Ўзбекистонда ўрта-махсус таълим ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш: тажриба ва муаммолар: Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент, 1994.

¹⁷ Топилдиев О. Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тугган ўрни: Тар. фан. ном... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.; Гуламова Д. А. Мустақиллик даврида Ўзбекистон талаба ёшлари маънавий кадриятларининг шаклланиш тарихи: Тар. фан. ном... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

ўрганишда илмий-назарий асос бўлди¹⁸.

Қ. Қуронбоев, Ф. Абдурахимова, Н. Эгамбердиева, Ш. Олимов, Р. Маматқулова, М. Иномова, Б. Мирзалимов, Б. Рахимов, О. Жамолидинова каби олимлар ўқувчи ва талаба ёшларнинг маънавий қиёфаси, глобаллашув даврида бунга муносабат, ёшлар ташкилотларининг фаолият мезонлари ҳамда ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва амалий асослари, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи даражаси каби муаммоларга ечим излашга ҳаракат қилган¹⁹.

Ж. Маткаримова ёшларда ҳуқуқни англаш жараёнининг шаклланиши, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви²⁰, Н. Ҳасанова меҳнат бозорида ёшлар фаоллигини оширишнинг шартлари ва омилларини²¹, Д. Бўронова эса ёшларга оид давлат сиёсатининг динамикаси ва муаммоларини илмий тадқиқ қилган²². Аммо, бугунги кунга қадар қатор илмий тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, мавжуд тадқиқотларда ёшларнинг кундалик турмуш тарзи маданияти, ҳаётий қизиқишлари ва муаммолари, бўш вақтдан фойдаланиш маданияти, жамиятга мослашувига таъсир этувчи омиллар, турмуш тарзидаги трансформацион жараёнлар этносociологик тадқиқотларда комплекс равишда ёритилмаган.

“Ёшларга оид давлат сиёсати ва замонавий ёшлар маданияти” деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфи *“Ўзбекистонда ёшларга оид*

¹⁸ Иноятов И. Ю. Из истории развития многонациональной школы в Узбекистане: опыт и проблемы (1980–1990 гг.): Дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент: 1995.; Сиддиқов Р. Б. Совет тоталитаризми ва мустақиллик давларида ўрта махсус касб-хунар таълими: Тар. фан. ном.... дисс. – Тошкент, 2003; Муртазаева Р. и др. Ўзбекистон многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011. – 251 с; Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 17 б; Саифназаров И. С. Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 11–19; Убайдуллаева Б. Ўзбекларнинг ёш авлод тарбиясидаги анъаналари ва замонавийлик. – Тошкент: Yangi nashr, 2010. – 239 б.; Ўша муаллиф: Ёш авлод социализациясида маҳалланинг ўрни // ЎЗМУ хабарлари. 2015. – № 1/1. – Б. 71–74; Ўша муаллиф. Ўзбекларнинг бола тарбиясида доир анъаналари ва инновациялар (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари): Тар. фан. док. дисс.... автореф. – Тошкент, 2018.

¹⁹ Қуронбоев Қ.Қ. Талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари (ёшлар ташкилотлари мисолида): Пед. фан. ном.... дисс. – Тошкент, 2000; Абдурахимова Ф. Маҳаллада қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлашнинг педагогик асослари; Пед. фан. ном.... учун дисс. – Тошкент, 2007; Эгамбердиева Н. М. Атроф-муҳит таъсирида талабаларни ахлоқий тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. ном.... дисс. – Тошкент, 2004.; Олимов Ш.Ш. Академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед. фан. ном.... дисс. – Бухоро, 2002; Маматқулова Р. Миллий маънавий мерос асосида университетларнинг талабаларида хулқ-одоб фазилатларини тарбиялаш: Пед. фан. ном.... дисс. – Тошкент, 1995; Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсағасидаги ёшлар): Пед. фан. док.... учун дисс. – Тошкент: 1998; Мирзалимов Б.Ш. Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари (“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида): Пед. фан. ном.... дисс. – Тошкент, 2005; Рахимов Б.Х. Талаба-ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришнинг ижтимоий-педагогик асослари: Пед. фан. док.... дисс. – Тошкент, 2009; Жамолидинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш. Пед. фан. док.... дисс. – Тошкент, 2015.

²⁰ Маткаримова Ж. Д. Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқни англаш жараёнларининг социологик таҳлили. – Тошкент: Университет, 2010.– Б. 129.

²¹ Ҳасанова И. М. Бозор муносабатлари шароитида ёшларни меҳнат фаоллигини ошириш муаммолари: Иқт. фан. ном.... дисс. – Тошкент, 2002.

²² Бўронова Д. Ж. Ёшларга оид давлат сиёсатининг динамикаси ва муаммолари (Ўзбекистон мисолида): Сиё. фан. ном.... дисс. – Тошкент, 2009.

давлат сиёсати: ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари” деб номланиб, унда дунё мамлакатларида ёшлар сиёсатининг ўзига хос структурасининг Ўзбекистон амалиёти билан қиёсий таҳлили, шунингдек, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳига бағишланган.

Европа мамлакатларида ёшлар сиёсатига доир икки хил стратегия мавжуд бўлиб, соҳага давлат (Германия, Франция) ва нодавлат – фуқаролик институтлари (Буюк Британия, Швеция) секторлари доирасидаги муносабат кўзга ташланади. А. Никитенко таъбири билан айтганда, “европалик ёшлар олдинги авлоддан фарқли ўлароқ, “асосий европаликлар” ҳисобланишади”²³. Шунга кўра, уларга евроинтеграция жараёни янги босқичининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралади²⁴.

Ўзбекистонда ҳам ёшларга оид сиёсатга давлат ва нодавлат секторида эътибор қаратилади ва мамлакат сиёсати йўналишида белгилаб берилган вазифалар давлат кўмаги асосида нодавлат секторларда амалга оширилади. Нодавлат ва ноижорат ташкилотлар, жамғарма ҳамда ўзини-ўзи бошқарув органлари фаолиятининг ўзаро мутаносиблиги ғарб амалиётидаги каби умуммиллий, ҳудудий шароитларда яхлит механизм асосидаги фаолияти йўлга қўйилиши ёшларнинг жамиятнинг ҳал қилувчи кучи сифатида тарбиялашга замин ҳозирлайди. Бу борада Ўзбекистон Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил қилинган Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолияти масаланинг туб моҳиятини англаган ҳолда ёшлар ижтимоий қатламнинг барча гуруҳлари, хусусан уюшмаган ёшлар билан мақсадли ишлашда етакчи ролни бажариши лозим бўлади. Балки, уюшмаган ёшларнинг пайдо бўлишига ота-оналар жисмоний толиқиб келганлиги боис чарчаш нималигини билмайдиган фарзандлари билан бирга “сифатли вақти”ни ўтказа олмаётгани, афсуски, оила аъзоларининг уйга ва бир-бирига тегишлилик ҳисси йўқолиб бораётгани сабабдир²⁵.

Йиллар давомида ёшлар билан тизимли ишлаш борасида барқарорлик таъминланмагани боис, бугунги ёшлар ҳаётида қатор муаммолар вужудга келди. Муаммога давлат ва нодавлат секторлар бирдай масъул ҳисобланади.

Этносоциологик сўровномалар натижаларига кўра, ёшлар ҳаётий муаммолари орасида ишга жойлашиш (35,5%) ва олий ўқув юртига кириш (22,3%) кун тартибидаги энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатларида ишсизлик даражаси 2000 йилда 6,4 %ни кўрсатган бўлса, 2017 йилда 5,6 % ни ташкил етган. Аммо, ёшларнинг ишсизлик даражаси дунё миқёсида катта ёшлиларга қараганда уч марта кўп,

²³ Никитенко А. И. Молодежная политика в Европейском Союзе: современное состояние. – Москва: Politbook, 2013. – С. 113–121.

²⁴ Соколов А. В. Современные институты молодежной политики в Европе: история становления и развития // Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика. – 2009. – Москва, – № 1(4). – С. 84–99.

²⁵ Тимати Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.103–104.

тўғрироғи, 2017 йилда мазкур кўрсаткич 13 %ни ташкил этганлиги муаммонинг жаҳон миқёсида аҳамият касб этишини англатади²⁶.

Ўзбекистонда эса мазкур муаммони мақсадли ва тизимли ҳал этишга жиддий ёндашилаётган бўлсада, яхлит механизм яратиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Биргина 2018 йилда ёшларга оид 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани ҳам соҳага оид ислоҳотларнинг долзарблигини англатади²⁷.

Ўзбекистонда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиниши ўтган даврда 9–10 фоиз бўлса, сўнгги икки йилда эса бу кўрсаткични 15 фоизга оширишга эришилди²⁸. Лекин, ривожланган давлатларда мазкур кўрсаткич камида 60–70 фоизни ташкил этади. Бу эса ёшларни керакли даражадаги мутахассис, иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи даражасига чиқа олмаётганлигининг муҳим факторларидан саналади.

Шу боисдан ҳам ёшларни таълимга мақсадли йўналтириш келгусида энг мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни олдини олишда таянч вазифасини бажаради. Шу билан бир қаторда ёшлар кундалик ҳаётида китоб мутолааси маданияти, глобаллашув шароитида ахборотдан фойдаланиш маданияти кабилар ҳам, жамиятга ижтимоий мослашув жараёнидаги ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби иккинчи параграфида “*Ёшлар маданиятининг таснифи ва тавсифи*” масаласи кўриб чиқилган. Бунда улар кундалик турмуш тарзи структураси классификациялаштирилиб, мазкур тизимда ёшларнинг кундалик қизиқишлари ва келажак режалари, таълим олиши ва унга муносабати, бандлиги, оила, қариндошлар, дўстлар ва тенгқурлар билан алоқалари, кундалик турмуш тарзида ОАВдан фойдаланиш даражаси, миграцион кайфияти, анъанавий ва замонавий машғулотларнинг ўзаро мутаносиблиги, урф-одат ва маросимларда иштироки ва унга муносабати этносоциологик тадқиқотлар асосида таҳлил қилинди.

Ўзбекистон ёшлари орасида ўтказилган социологик сўровномага кўра, китоб ўқиш (44,5 %) ва мусиқа тинглаш (44,1 %) замонавий ёшлар кундалик ҳаётидаги асосий севимли машғулотлар ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий ва оилавий шароитлардан келиб чиққан ҳолда деҳқончилик, ҳунармандчилик, балиқчилик ва бошқа хўжалик шакллари доирасидаги ҳамда мавсумий аҳамиятга эга машғулотлар ҳам мавжуд. Ёшлар орасида анъанавий машғулотларнинг гендер хусусиятлари бўйича тафовутлар мавжуд бўлиб, бу борада аксарият ҳолларда қишлоқ йигитлари орасида хўроз (19,7%), қўчқор уриштириш (5,6%), улоқ-кўпкари ўйинларида қатнашиш ёки томоша қилиш, шунингдек, машина тузатиш, турли спорт турлари билан шуғулланиш ва бошқалар урф бўлса, қизлар орасида асосан уй шароитида амалга ошириладиган тикувчилик ёки тўқувчилик (14,1 %), ширинликлар пишириш (11,6 %) каби машғулотлар етакчи ҳисобланади. Респондентларнинг

²⁶ Доклад ООН о Целях в области устойчивого развития, 2018 год /unstats.un.org.sdgs.

²⁷ Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи жорий архиви. ЎЁИнинг 2018 йил фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б. 3.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

фикрича, интернет ва ижтимоий тармоқларда фаол бўлиш ёшларнинг сеvimли ва шу билан бирга зарур машғулоти ҳисобланади (20,6 %). Ёшларнинг аксарияти сеvimли машғулоти билан бўш вақтини ўтказиш учун шуғулланар экан (59%). Натижалардан янги машғулоти турлари пайдо бўлаётган шароитда ҳам ёшлар орасида анъанавий машғулотларга қизиқишнинг сақланиб қолаётгани аввало оилавий тарбия, шарт-шароит ва ўрнак натижасида амалга ошаётганлигини хулоса қилиш мумкин.

Ёшларнинг деярли барчаси келажак режаларига эга. Бу борада оила қуриш ва фарзанд тарбияси энг устувор вазифалардан саналади (67,3 %). Кейинги навбатда эса доимий даромадли касбга ва ишга эга бўлиш (45,5 %), орқали оилани мустақил таъминлашга эришиш муҳим ҳаётий позиция ҳисобланади. Бу борада ўзбек халқида ўзига хос менталитет шаклланган бўлиб, аксарият ҳолатларда улар юқоридаги вазифаларни ёшлиқда амалга оширишни муваффақият белгиси сифатида баҳолайдилар. Лекин ҳар иккаласига бир вақтда тўқис эга бўлиш бир қатор муҳим фактор ва муаммоларни ҳал этишга боғлиқ бўлади. Шу боисдан бу борада дунё мамлакатларида тафовут мавжуд бўлиб, жумладан, ғарбда одатда, биринчи фарзанднинг туғилишини 30 ёшдан кейинга режалаштиришади. Бунда ёшлиқ давридаги асосий вақт ва потенциал мустақил фаолиятни тўлиқ йўлга қўйишга қаратилади.

XX асрнинг 80-йилларига қадар оилаларнинг аксарияти кўп фарзандли бўлган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида урғу кўпроқ фарзандларга сифатли таълим бериш, юқори иш ҳақи ва касб эгаси бўлишига қаратилаётган бир шароитда ёшларнинг кўпчилиги ҳозирда ёки келажакда мустақил оиласидаги фарзандлар сонини режалаштиришади (64,5 %). Бунда шаҳар ёшларининг фикрлари қишлоқ ёшлариникига қараганда юқорироқ даражага эга.

Ўзбекистон ёшларининг асосий қисми олий маълумот олишни истади. Аммо, уларнинг фикрларига кўра, олий ўқув юртлиридаги таълим сифати унчалик юқори даражада эмас. Ёшлар ОўЮда ўқитиш сифати даражасини ўрта (31,4%), яхши (38,6 %) ва жуда юқори (17,1%) деб ҳисоблайдилар. Бунда профессор-ўқитувчилар, моддий техник базага, бошқарув малакалари каби хусусиятлар эътиборга олинган. Дунё амалиётидан келиб чиққан ҳолда хорижий талабаларни маҳаллий ОўЮларга кенг жалб этиш, халқаро стандартларга жавоб бера оладиган таълим дастурлари ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали даромад олиш соҳадаги мавжуд қатор муаммоларни олдини олишга ҳам ёрдам беради.

Бугунги кунда ёшларнинг 78,7 % оиланинг яқин аъзолари билан, 13,5% “ёш оила” сифатида, фақат 0,4 % игина якка ҳолда яшайди. Бу эса муаммоларни биргалиқда оилавий шароитда ҳал этишга, ёшларнинг оилавий муносабатлар тизимини ўрганишга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбия топишларига ёрдам беради.

Ёшларнинг катта қисми (64,1%) ҳаётий зарур ахборотларни интернет ва ижтимоий тармоқлардан олади, уларнинг ярмидан кўпроғи (57,3 %) телевидениеда ёшлар ҳаётига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этадиган

кўрсатувлар бор, деган фикрда. Тадқиқотда иштирок этган ёшларнинг 42,7 % хорижий телеканалларни умуман томоша қилмайдилар.

Ёшларнинг миграцион кайфиятида ҳам ўхшашлик ва тафовутлар мавжуд бўлиб, 45,5 % ёш фуқаролар келажакда бирор чет мамлакатда яшашни истаса, 52,7 % эса буни маъқулламайди. Хорижга боришни хоҳлаган ёшларнинг ҳам аксарияти доимий эмас, айрим сабаблар туфайли муайян муддатга яшашга қарши эмаслигини билдирган. Ёшлар чет мамлакатда яшашга қизиқишига асосий сабаб сифатида юқори моддий фаровонлик, фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш, тил ўрганиш, саёҳат ва дам олиш кабиларни кўрсатиб ўтганлар. Ёшларнинг аксарият қисми эса агар имконият мавжуд бўлса, чет мамлакатда таълим олишни истайди (75,6%).

Умумий маънода ёшлар кундалик ҳаётида уларнинг мақсад ва вазифалари, қизиқиш ва келажак режалари ва бошқа структуравий ёндашувлар оилавий муҳит, шахсий салоҳият ва давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар ўлароқ амалга ошаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Диссертация иккинчи бобининг учинчи параграфида *“Ёшлар ҳаётида анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлашуви”* масаласи ёритилган бўлиб, унда қадрият, урф-одат, анъана, маросим каби тушунчалар таҳлили ва миллий, маънавий ва умумэътироф этилган қадриятларнинг ёшлар кундалик турмуш тарзидаги аҳамияти илмий таҳлил қилинган.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган сўровномалар натижаси таҳлил қилинганда Республикада ёшлар мунтазам равишда урф-одат ва анъаналарга риоя қилиб, уларнинг иштирокчиларидан ҳисобланишлари аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон ёшларининг асосий қисми (65,6 %) доимий равишда мазкур анъаналарга амал қилиб келса, маълум бир қисми (26,6 %) фақат имкон бўлган вақтлардагина бажаришини маълум қилишган.

Ёшлар яшаб турган минтақада қабул қилинган анъаналар, урф-одатларга амал қилишига сабаб сифатида, қадриятларнинг ота-боболардан мерос бўлиб қолганлиги, уларни асраш ва кейинги авлодларга етказиш масъулиятини келтиришади (65,6%). Шунингдек, уларнинг фикрича, анъана, урф-одат ва маросимлар халқнинг ҳаётини, унинг ўзига хослигини сақлашга ва маънавий озиклантиришга ёрдам беради (50,5 %). Никоҳ тўйи (75,9 %), худойи (39,1 %), наҳорги ош ва жаноза (19,1%), бешик тўй (14,5 %), суннат тўй (11,8 %) ларда ёшларнинг иштирокини нисбатан кўпроқ кўриш мумкин. Аммо, анъанавий халқ байрамлари ва сайилларида иштирок этиш (10,2%), мустақил равишда умумхалқ ҳашарларида қатнашиш (5,7%) умуммиллий анъаналарда иштирок нисбатан паст даражада, аввало, мазкур масалаларга ҳудудий нуқтаи назардан қаратиладиган эътибор ҳамда яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тадқиқот жараёнида амалга оширилган сўровномалар ва кузатувлар натижасида маълум бўлдики, замонавий ёшлар кундалик турмушида этнографик хусусиятлар ва ўзгаришга оид қатор тенденциялар мавжуд. Бу борада ёшларнинг урф-одат ва анъаналарни англаш даражаси, унга риоя қилишнинг меъёр ва мезонлари инобатга олинади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда биринчи навбатда энг долзарб муаммоларни тизимли ва самарали ҳал этиш билан бирга, уларнинг кундалик ҳаётини ажралмас қисми бўлган анъана ва урф-одатларга содиқлик, ҳаётий кадриятларга масъулият, миллий менталитетнинг туб моҳиятини англаш руҳида тарбиялаш замонавий шароитда миллий этник муносабатларни сақлаб қолишнинг энг муҳим шарти бўлади.

Диссертациянинг “**Ёшлар турмуш тарзининг модернизациялашуви**” деб номланган учинчи боби глобаллашув шароитида ёшлар ҳаётидаги ўзгаришлар, моддий ва маънавий маданият тизимидаги трансформацияларга бағишланган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи “*Глобаллашув жараёнида ёшларнинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар*”га бағишланган бўлиб, унда оилавий, миллий ва умуминсоний кадриятлар тизимида ёшларнинг тутган ўрни ва аҳамияти, мустақиллик йилларида оилада ёшларга муносабатнинг трансформацияга учраган жиҳатлари, маросимлар ва уларда ёшларнинг иштироки даражалари муҳокама қилинган.

Ўрганилган даврда оила ва оилавий муносабатларда ўзгаришлар содир бўлди. Бу борада ёш оилаларнинг борган сари алоҳида индивидуал аҳамият касб этиб бораётгани, жамият шуни тақозо этаётгани ва бунга бўлаётган муносабатлар ўзгараётганлигини эътироф этиш мумкин. Натижада фарзанд тарбияси билан боғлиқ қатор муаммолар келиб чиқаётганлиги ва бунда ёшлар катта авлод вакиллари тажрибаларидан фаол фойдаланмаслигини қайд этиш лозим.

Ёшлар кундалик ҳаётида илғор ахборот технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ортиши муносабати билан уларнинг турмуш тарзида ўзгаришлар кузатилаяпти. Хусусан, ёшлар кундалик ҳаётини ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қилиб бўлмаётган бир шароитда улар вақтини айнан ушбу воситалар бошқараётганлиги ҳам кундек равшан. Бунда тўғри ахборотни топиш ва тарқатиш иммунитетини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, ушбу тармоқдаги фаолиятга ҳаддан ташқари берилиш ва ишониш, ўзаро алоқаларда таъқиқланган меъёрлардан фойдаланиш яхши оқибатларга олиб келмаётганлигини амалиётнинг ўзи кўрсатаяпти.

Ёшлар Интернет воситасида ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланишади. Бу борада уларнинг аксарияти telegram ижтимоий тармоғи аъзоси ҳисобланади (92,3 %). Уларга Интернет биринчи навбатда янгиликлардан хабардор бўлиш (33,0 %), дўст ва яқинлар билан алоқа қилиш (29,3 %) ва хориждаги қариндош-уруғ ва яқинлар билан мулоқот, маълумот алмашиш (16,7 %) учун зарур деб ҳисоблайди.

33,3 % ёшлар кунига – бир, 22,2 % – икки, 10,6 % – уч, 6,0 % – тўрт, 2,8% – беш ва ундан кўпроқ соат вақтини интернетга сарфлайди. Натижаларга кўра, фақатгина 0,6 % ёшларгина интернетдан деярли фойдаланмайди. Тадқиқот натижаларига кўра, ахборот ва янгиликларга (51,2 %), илмий ва илмий-тадқиқот ишларига (27,6 %), маънавий-маърифий соҳаларга оид сайтлар ёшлар учун фойдалироқ саналар экан. Интернетнинг салбий таъсирини олдини олиш учун аввало, оилавий иммунитетни

шакллантириш мақсадга мувофиқ. Ёшларнинг 68,7 фоизи Интернет ва компьютер технологияларини ота-оналаридан яхшироқ билишини, 85–90 фоизи мустақил равишда Интернетга уланишини, ота-оналари компьютерга ҳимоя воситаси бўлган филтрлаш дастурини ўрнатиб қўймагани ва фарзандлари қандай сайтларга киришини назорат қилмаслигини тан олди. Умуман олганда, ота-оналарнинг 72,6 фоизи фарзандларини Интернетдан аксарият ҳолатларда уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрдалар.

Эътиборли жиҳати шундаки, ота-оналар ва фарзандларнинг фикрларида қарама-қарши мулоҳазалар учрайди. Шу боис оилавий муносабатлар тизимида, фарзанд тарбиясида Интернет ва ижтимоий тармоқларни назорат қилиш функцияларини оила аъзолари, хусусан, ота-оналарнинг ўзлари ишлаб чиқиб амалиётга жорий қилишлари зарур ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ёшлар орасида урф-одат ва маросимларга муносабат ўзгармоқда. Бу борада маросимлар сонининг кўпайиб бораётгани, тўй маросимларида ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилаётгани, тўйгача, бевосита никоҳ кечасида, ундан кейинги янги маросимлар мавжуд анъаналар қимматини йўқолиб боришига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бошқа маросимлар бажарилишининг мақсад ва вазифалари ёшлар турмуш тарзида алоҳида аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Диссертация учинчи бобининг иккинчи параграфи “*Замонавий ёшларнинг бўш вақтдан фойдаланиш маданияти*” деб номланади.

Деярли барча халқлар сўз бойлигида бўш вақт атамаси мавжуд бўлиб, умумий маънода эркин фаолият, эркин вақт, бекор вақт ва шунга синоним бўлган маъноларга эга бўлган. Масалан, Оксфорд луғатида мазкур атамага эркин тарзда қандайдир бир қизиқарли ёки тушунарли иш бажариш, профессионал фаолиятдан ташқари янги фаолият турини очиш имконияти, ўз қарашлари асосида вақтни тақсимлаш, мунозара ва мулоқот вақти, деб таъриф берилган²⁹. Русларда деярли шу маънода ишлатиладиган «досуг» атамаси XV асрда қадимги славян тилидан кириб келган сўз бўлиб, ниманидир амалга ошириш вақти сифатида таржима қилинган³⁰. Ҳаттоки, қадимги даврларда ҳам бўш вақтни фақат эркин вақт деб ҳисобламай, уни фалсафий фаолият билан шуғулланиш, турли амалий ўйинлар, томошалар, машқлар, санъат, мусиқа, мулоқот, мунозара ва шунга ўхшаган аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятга сарфлаганлар.

Аслида бўш вақтни самарали ўтказиш ва ундан қониқарли натижа чиқариш бўйича қатъий белгиланган ёзма равишдаги қонун-қоидалар бўлмасада, ҳар бир оилада, хусусан, ўзбек оиласида азал-азалдан мазкур масала юзасидан анъанавий қонун-қоидаларга амал қилиб келинади. Демак, бўш вақт атамасини қай тариқа тушуниш, унга муносабат даражасини белгилайди.

²⁹ Кэндо Т. Досуг и популярная культура в динамике и развитии // Личность. Культура. Общество. Томь II. – 2000. – Вып. 1(2). – С. 288.

³⁰ Дробинская Е. И., Соколов Э. В. Свободное время и развитие личности. – Ленинград: Знание, 1983. – С. 7–17.

